2007 YIL 6 IYUL, JUMA 83 (7232) - son

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

kishlokhayoti@mail.ru

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan



**Ҳар бир юртдошимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигини муносиб кутиб олишга интилмоқда. Юрт нурафшонлигидек эзгу ниятга камарбаста бўлаётган Булунғур тумани "Электр тармоқлари" корхонаси жамоаси аҳолини электр қуввати билан узлуксиз таъминлашда жонбозлик кўрсатишаётир.**

**Айни вақтгача корхона жамоаси ўнлаб километр ички электр тармоқларини жорий ва капитал таъмирдан чиқарди.**

СУРАТДА: корхона ишчиси Собир ҲУСАИНОВ.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

*Самарқанд вилояти*

---

***Араб тилида нашр этиладиган «Аль-Баян» газетасининг Аль-Айндаги ваколатхонаси раҳбари Амар Аль-Санжарий жорий йилда мамлакатимиз бўйлаб ижодий сафарда бўлган эди. Ушбу сафар натижаси ўлароқ, араб журналистининг бугунги Ўзбекистон ва унинг тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи туркум мақолалари Бирлашган Араб Амирликларининг етакчи оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.***

## «АЛЬ-БАЯН»:

# «Ўзбекистондаги сармоявий иқлим хорижий сармоядорлар учун энг қулай муҳитдир»

Яқинда Аль-Санжарийнинг навбатдаги мақоласи – «Табиий захиралар ва ишлаб чиқариш қуввати Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамламоқда» сарлавҳаси билан «Аль-Баян» газетасида босилиб чиқди. Унда Ўзбекистон Республикасининг табиий бойликлари, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, шунингдек, сўнгги пайтларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган хорижий сармояларни жалб этиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш ва кафолатлашга йўналтирилган қатор муҳим қонуний ҳужжатлар тўғрисида сўз боради.

Муаллиф, жумладан, «Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган Ўзбекистон улкан ишлаб чиқариш қувватига, бой минерал хом ашё захиралари ҳамда шитоб билан ривожланиб бораётган саноатга эга» эканлигини қайд этади.

Аль-Санжарий газетхонларга Ўзбекистонда 100 дан зиёд турдаги минераллар топилгани ва уларнинг катта қисми миллий саноатда кенг қўлланилаётгани тўғрисида хабар берар экан, «Табиий бойликларнинг (олтин, уран, табиий газ, мис, туз, фосфат ва бошқалар) тасдиқланган захиралари бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди», деб ёзади.

Араб журналисти Ўзбекистоннинг замонавий нефть-газ саноати мавзусига тўхталиб, у миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири, республиканинг муҳим энергетик базаси эканлиги хусусидаги фикрларини ўқувчилар эътиборига ҳавола этади. Шу ўринда Ўзбекистон ҳудудида 194 та углеводород хом ашёси кони топилгани, уларнинг 98 таси газ ва газ конденсати, шунингдек, 96 таси нефть ва газ конлари экани алоҳида таъкидланган. Муаллиф бугунги кунда республиканинг нефть ресурслари 1 триллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда баҳоланаётгани, «Ўзнефтегаз» миллий холдинг компанияси Марказий Осиё минтақасидаги етакчи нефть-газ компанияси ҳисобланиб табиий газ қазиб олиш бўйича дунёда саккизинчи, ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича эса МДҲ давлатлари ўртасида бешинчи ўринни эгаллаши қаламга олинган.

«Аль-Баян» газетаси мухбирининг фикр билдиришича, «Ўзбекистон ҳукумати хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай сармоявий муҳитни яратиш юзасидан муваффақиятли иш олиб бормоқда, устувор сармоявий лойиҳалар бўйича шериклик ва ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Республикада сармоявий фаолиятга доир, жумладан, хориж капиталини жалб этишга кўмаклашадиган, хорижий сармояларни кафолатлаш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида қонуний ҳужжатлар қабул қилинган».

Араб журналистининг таъкидлашича, «Ўзбекистон энергетика тизими Марказий Осиё минтақасидаги энг намунали тизимлардан биридир. Республикадаги 42 электр станциясида ишлаб чиқарилаётган электр энергияси 12,3 миллион киловаттдан ошади, бу эса бутун Марказий Осиёда ишлаб чиқариладиган энергиянинг қарийб 50 фоизини ташкил этади».

Муаллиф мақола интиҳосида ўз хулосасини баён этар экан, «Бугунги кунда Ўзбекистондаги сармоявий иқлим хорижий сармоядорлар учун энг қулай муҳит» эканини таъкидлайди.

**«Жаҳон» АА**

---

## Куннинг муҳим воқеалари

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди.**
- **Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Иванов 4 июль куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан учрашди.**
- **Пойтахтимизда Республика "Меҳр ва мурувват" жамоат жамғармаси ташаббуси билан "Энг маҳоратли касб эгаси" кўрик-танлови ўтказилди.**
- **Конимех туманидаги «Қарағата» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида минерал сувни қадоқлайдиган «Аквариус» кичик корхонаси ишга туширилди.**
- **Навоий шаҳридаги вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига комбинат томонидан «Дамас» автомашинаси совға қилинди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида бўлиб ўтган семинар истеъмолчи ҳуқуқи, хусусан, ногирон истеъмолчилар манфаатлари ҳимояси борасида қилинаётган ишлар ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар атрофлича муҳокама этилди.**
- **Самарқанд вилоят ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказида «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш» мавзуида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.**
- **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан коллеж ва академик-лицей ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Ишбилармон ўқувчи» кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи якунланди.**
- **Қашқадарё вилояти Муборак шаҳрида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Шу азиз Ватан – барчамизники!» мавзуида дўстлик форуми ўтказилди.**
- **"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида ўтказилаётган "Мафтункор ранглар дунёси" кўрик-танловининг Хоразм вилоят босқичи якунланди.**

---

## Онам каби азиз ВАТАНИМ

***Ватан тушунчаси инсон учун энг улуғ, мўътабардир. Туғилиб ўсган эл-юртинг, мамлакатингнинг обрў-эътиборини ўйласанг туғилган кулбанг, уйингни севасан, ардоқлайсан.***

Таниқли аллома Абдулла Авлоний ўзининг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" китобида "Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакати шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўскон ерини жонидин ортиқ суяр... Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдиғимиз каби, араблар Арабистонларини: қумлик, иссиқ чўлларини, эскимулар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тирикчилик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб, хижрат қилурлар эди. Боболаримиз: "Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл" – демишлар".

### ЭЪТИРОФ

Севимли адибимиз Хуршид Даврон темурийлар даврининг машҳур тарихнависи Ибн Арабшоҳнинг қуйидаги фикрларига юксак баҳо берган эди: "Ҳар бир инсон ўз яратганини севади"... Нақадар ҳаққоний сўзлар. Биз бандаи ожизлар бу ҳикматни "Сен севган одам сени яратади", деб тушунимиз ҳам мумкин. Демакки, Ватан ишқи тилимизни, динимизни, дилимизни яратади. Чет элларда юрган мусофирлар ўз ватандошларини кўрганда уларга сажда қилишади, Ватан тупроғидан бир ҳовуч берсангиз кўзига тўтиё қилиб суртади. Ҳақиқий инсон ўз Ватанидан узоқларга кетмайди, унинг қадр-қимматини поймол қилмайди. Балки турли сабаблар билан она-Ватанидан ажралсада, бир умр унга талпиниб яшайди.

Униб-ўсган Ватанимиз онамиз каби ниҳоятда азиз бўлиб, унинг тупроғи эса она қалбидек илиқ ва кенгдир. Унинг бағрида риски-рўзимиз унади, бу қадар азиз, мўътабар Ватанни эъзозламай, севмай бўладими?!

**Гулнора ҒИЁСОВА**

*Фарғона вилояти*

---




## Янги куч-ғайрат билан

***Президентимиз Наманганга ташрифи чоғида вилоят марказидаги "Saydana" тиббиёт маркази фаолияти билан танишди.***

– Аввало, айтишим зарурки, бугун бутун жамоамиз билан ана ўша унутилмас учрашув руҳида яшамоқдамиз, – дейди ушбу халқаро тиббиёт марказининг бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди Ҳамро Содиқов. – Президентимиз шифохонадаги шароитлар билан танишиб, қимматли маслаҳатларни берди.

"Saydana" халқаро тиббиёт маркази қўшма корхона бўлиб, люксембурглик инвесторлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Унинг фаолият кўрсата бошлаганига бир йилдан ошди ва кунига 100-120 бемор қабул қилинади, 170 ўринли ётиб даволаниш бўлими бор. Бош ҳакимнинг таъкидлашича, 16 хил ташҳис-даволаш хизмати мавжуд. Биргина лаборатория бўлимида 227 турдаги таҳлил жараёни тез ва сифатли амалга оширилади.

Жамоанинг саъй-ҳаракати билан бу шифо маскани вилоятда ўзига хос тажриба ва услубият марказига айланиб бормоқда.

Айни кунларда "Saydana"да жарроҳлик бўлимини очиш устида астойдил иш бошланган.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Наманган вилояти*

---

***Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш, айниқса фермерлик ҳаракатини янада юксалтириш борасида акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"нинг жойлардаги бўлимлари самарали фаолият олиб бормоқда. Шулардан бири банкнинг Кегейли туман бўлимидир.***

## Мижозлар манфаати устувор

Мазкур бўлимда айни пайтда 723 мижозга хизмат кўрсатилади. Шулардан 276 таси фермер хўжаликлари, 32 таси бюджет муассасалари, 300 дан ошиғи тадбиркорлар, ишбилармонлардир.

– Ғалла ўрим-йиғими мавсумининг муваффақиятли ўтказилиши, ғўза парвариши юксак агротехника қоидалари асосида олиб борилиши учун фермер хўжаликларини етарли кредитлар билан таъминладик, – дейди бўлим бошлиғининг ўринбосари А.Қодиров. – Бундан ташқари, 28 та савдо корхоналари, 17 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига ҳам имтиёзли кредитлар бераяпмиз.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Қорақалпоғистон Республикаси*

---

***...Назокат опа қизларини узатиб, барчасини уйли-жойли қилгач, зериккандек ҳис этди ўзини. Севимли иши билан овуниш учун тикув машинаси билан анча уннади. Лекин нимадир камдек эди. Маҳаллага чиқди. Оқсоқолга ниятини айтди: "Тўрт-беш нафар қизни шогирдликка олиб, тикувчиликни ўргатсам, девдим".***

# Касаначилик рўзғорга барака киритади

## Хатирчилик тадбиркорлар буни ўз фаолиятлари билан исботлашмоқда

Ташаббус маъқулланди. Маҳаллада обрў орттирган, чеварлиги билан ном қозонган Назокат Шодиевага шогирд тушишни хоҳлаб келувчилар орасида ёш қизлар кўпроқ эди. Опа уларга бичиш-тикиш сирларини ўргатди. Ўзи эса бозорни, харидорлар дидини ўрганди.

Миллий либосларимизни тикиш, уларни турли ёшдаги кишиларга, тўй маросимига мослаб яратиш Назокат опа ва унинг шогирдларига ҳам омад келтирди. Уйидаги "Чайка" тикув машинаси аввал иккита, учта... кейин ўнтага етди. Келин-куёвлар учун либослар, кўрпа-тўшаклар, қариялар учун сарполар буюртма асосида тайёрлаш йўлга қўйилди. Андозаларнинг юзга яқин тури намуна учун илиб қўйилган. Буюртмачилар сафи ва диди ўсиб бораётир. Бугун тадбиркор Назокат Шодиева ўттиз нафарга яқин хотин-қизни касаначилик асосида иш билан таъминлаган. Ҳар ҳафта бошида маҳсулот қабул қилинади. Ҳамма ҳисоб-китоблар тугагач, иш ҳақи берилади. Ишни дўндириб келган касаначи маҳсулотни топшириб, иш ҳақини олиб, уйга борса, байрам эмасми?

Карим Ҳалимов Оқтовнинг энг олис қишлоқларидан бирида яшайди. Тоғ дараларига туташган адирлар ва қирларда азалдан чорва боқилади. Бу ерликлар чорванинг ҳадисини олишган. Карим ака ана шуларни ҳисобга олиб "Навоийдонмаҳсулотлари" акционерлик жамияти бошқарувига корхонанинг ёрдамчи хўжалиги чорвасини боқиш нияти борлиги тўғрисида мурожаат қилди. Корхона вакиллари унинг тоғни урса талқон қилгудек ўғиллари билан учрашишди, гранит тошларидан қурилган ярим ёпиқ ва ёпиқ қўраларни кўриб, ниҳоят ижобий хулосага келишди.

### Қарор ва ижро

Ҳозирги кунда корхонанинг уч юз бошдан зиёд қўй-эчкилари касаначи К.Ҳалимов боқувида. Чўпон фарзандлари билан ҳам корхонанинг, ҳам ўзининг шахсий молларини авайлаб парвариш этаётир. Айни дамда корхона бошқаруви томонидан чорва туёғини янада ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ахир, чорвани азалдан халқимиз барака манбаи, дея аташган.

– Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси туфайли туманимизда ижобий натижалар салмоғи тобора ошмоқда, – дейди биз билан суҳбатда Хатирчи тумани ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари И.Маҳмудов. – Уй меҳнати асосида касаначилар "Хатирчи пахтатозалаш" акционерлик жамияти учун тикиш-бичиш борасидаги буюртмаларни бажаришса, "Хатирчи ипаги", "Хатирчинон" масъулияти чекланган жамияти касаначилари ҳам корхона буюртмаси бўйича маҳсулотлар етказиб беришаётир. Шунингдек, "Лангар Ўз-Рос" қўшма корхонаси каби саноат объектларида махсус иш кийими тикувчилар билан бир қаторда, турли иш қуроллари ясовчи темирчилар ҳам касаначилар сифатида фаолият кўрсатишмоқда. Уй меҳнатини ташкил этиш хонадонга барака келтиради.

**Баҳриддин САДРИДДИНОВ.**

*Навоий вилояти*

---

**Ўзбекистон Футбол Федерацияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида биринчи марта пляж футболи бўйича Ўзбекистон Кубоги баҳслари ташкил этилди.**

# Пляж футболи бўйича биринчи Ўзбекистон Кубоги

***Унда эркак ва аёллардан ташкил топган 8 тадан жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашмоқда. Эркаклар жамоалари беллашувларида "Бодомзор" (Тошкент), "Сўғдиёна" (Самарқанд), "Коғон" (Бухоро), "Олимпик" (Сурхондарё) футболчилари билан бирга, Қашқадарё вилоятининг "МЧС", "ШГХК", "Орзу", MVM футболчилари ғолиблик учун кураш олиб боришди.***

Ўз гуруҳларида ўйинларни юқори савияда ўтказган "ШГХК" ("Шўртангазкимё") ва "Бодомзор" жамоалари финалда юзма-юз келди. Асосий вақтда кучлар тенг келди – 4:4. Қўшимча бўлимда "Шўртангазкимё" футболчилари "Бодомзор" жамоаси дарвозасини икки бор аниқ нишонга олдилар.

Пляж футболининг аёллар жамоалари баҳси ҳам кўтаринки руҳда давом этмоқда. "Олимпик" (Тошкент) – "Ёшлик" (Бухоро), "ТерДУ-Сурхон" (Термиз Давлат университети) – "Жиззах", "Севинч" (Қарши) – ЗУС (Зарафшон қурилиш бошқармаси) жамоаларининг ўзаро учрашувларида бир хил – 3:2 ҳисоблари қайд этилди. "Севинч-2" – "Шердор" (Самарқанд) ўйини эса 1:2 ҳисобида якунланди.

Кеча "Олимпик" – "Жиззах", "ТерДУ-Сурхон" – "Ёшлик", "Севинч-2" – ЗУС, "Севинч" – "Шердор" жамоалари куч синашдилар. Ғолиблар 7 июль куни маълум бўлади.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**М.КОМИЛОВ олган сурат.**




## Альп этагидаги ёнғин

**_Франция жанубининг Альп тоғларига туташган қисмидаги ўрмонзорлар кучли ёнғин гирдобида қолди._**



France Press ахборот агентлигининг хабар қилишича, бир неча ойдан буён кечаётган қуруқ об-ҳаво ёнғин чиқишига сабаб бўлган. Ҳозирга қадар ўрмоннинг минг гектаридан зиёд ҳудуди ёниб кул бўлган. Соатига 90 километр тезликда эсаётган шамол ёнғиннинг илдам "одимлаш"ига хизмат қилмоқда. Ўрмон оралаб ўтган катта трассаларнинг ёпиб қўйилиши бир неча километрли автомобиль тиқилинчини вужудга келтирган. Ўнлаб сайёҳлик марказларида дам олаётганлар эвакуация қилинишига тўғри келмоқда.

**_Хитойнинг Ляонин провинциясидаги караоке клубида кучли портлаш юз берди._**

## Тунги клубдаги фожиа

Провинциянинг Тяньшифу шаҳри тунги клубларининг бирида одам гавжум вақтда кутилмаган портлаш содир бўлди. Оқибатда, 25 нафар мижоз воқеа жойида ҳалок бўлган, 50 га яқин одам эса турли



даражада тан жароҳати олган. Айни дамда полиция воқеа жойида текширув ишларини олиб бормоқда.

Тяньшифу мамлакатнинг шимоли-шарқидаги мухтор округда жойлашган бўлиб, шаҳарнинг аксарият аҳолисини этник маньчжурлар ташкил этади. Полиция тахминига кўра, портлаш этник гуруҳлар ўртасидаги келишмовчиликлар оқибатида содир этилган бўлиши мумкин.

## Гумондорлар ҳибсда

**_Британия полицияси Глазго ва Лондонда қўпорувчиликлар уюштиришни режалаштиришда гумон қилинганларнинг барчасини қўлга олди._**

Ҳибсга олинган 8 нафар шахснинг келиб чиқиши Осиё ва Яқин Шарқдан бўлиб, барчасининг мутахассислиги шифокордир. Уларнинг ёши 18-30 ёшлар атрофида эканлиги айтилмоқда. Скотланд-Ярд вакилининг сўзларига кўра, гумондорларнинг бошлиғи 26 ёшли нейрохирург келиб чиқиши фаластинлик бўлган Муҳаммад Аш бўлиши мумкин.




Айни дамда полиция Лондонда иккита миналаштирилган автомобилнинг топилиши ва Глазго аэропортига ҳужум уюштирилиши юзасидан қўлга олинганларни сўроқ қилмоқда. Буюк Британияда юқори даражали хавфсизлик чоралари сақланиб қолинмоқда.

## Исломободда комендантлик соати

**_Исломободдаги Лаъл масжидида юзага келган воқеалар туфайли шаҳарда комендантлик соати эълон қилинди._**

Сешанба куни масжид аъзолари ва хавфсизлик кучлари ўртасида кечган қуролли тўқнашувда камида 16 нафар одам ҳалок бўлган, 140 га яқин киши жароҳатланган.

Масжид биносини ўраб олган ҳукумат кучлари пойтахтда ўз қарашларига мувофиқ шариат қонунларини ўрнатишга уриниб келаётган радикал исломий руҳонийлар ва талабаларга қуролларини ташлашга муҳлат берган. Акс ҳолда бино ўққа тутилиши маълум қилинган.

Ҳозирга қадар масжиддан 700 га яқин одам таслим бўлиб чиққан. Уларнинг 100 га яқини аёллар ва болалардир. Таслим бўлганларнинг сўзларига кўра, экстремистик кайфиятдаги руҳонийлардан таълим олган талабалар қуролни ташлаш ниятида эмас. Масжид комплексида 4 мингга яқин одам борлиги тахмин қилинмоқда. Сешанба кунги отишмалар масжид талабаларининг полиция назорат пункти ва масжидга яқин экология вазирлигига ҳужум уюштиришганидан сўнг бошланиб кетган.

**_Венесуэла раҳбари Уго Чавес мамлакатдаги хусусий шифохона, дўконлар ва ресторанларга ультиматум эълон қилди._**

## Ғалати ультиматум

Уго Чавес сўзларига кўра, агар ушбу муассасалар нарх-навони сунъий равишда кўтаришда давом этаверса, улар оммавий равишда давлат ихтиёрига ўтказилади.



Маҳаллий ОАВлар хабарларида келтирилишича, Венесуэла Соғлиқни сақлаш ва савдо-сотиқ соҳасида икки хил система вужудга келиб қолган. Давлат ҳисобидаги шифохоналар хусусий клиникалар томонидан сунъий равишда нарх-навонинг оширилиши туфайли инқирозга юз тута бошлади.

Бундан аввалроқ Венесуэла раҳбари мамлакатдаги нефть конлари ва корхоналарини миллийлаштирган эди.

**Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

---

# Чиқитлардан сифатли маҳсулот

## Журёнлик Озод Сапоевнинг ғаройиб ихтиролари

**_Тадбиркорлик, янгиликка интилиш Озод аканинг қонида бор. Кексаларнинг айтишига қараганда, темирчиликда отаси Салим аканинг нафақат қишлоғи Журёнда, балки бутун Хивада ҳам олдига тушадиган одам бўлмаган. 1978 йилда Урганч қурилиш техникумини туаллаган Озод Сапоев йигирма йилдан ошиқ банк муассасалари қурилиш бўлимида бош мутахассис бўлиб ишлади. Президентимиз ташаббуси билан тадбиркорликка кенг йўл очилгач, кўпдан ўйлаб юрган режаларини амалга оширишга киришди._**

Дастлаб якка тадбиркор сифатида шоли оқлаш ва ун тегирмонларини ишга туширди. Янгиликка ўч Озод ака буғдой тегирмонига қўшимча агрегатлар ўрнатиб, доннинг яроқсизини ажратиб, паррандаларга ем қиладиган, унни навларга ажратиб чиқарадиган қилди. Мижоз хоҳишига кўра 50 килограмм буғдойдан шу миқдордаги ун олиб кетиши мумкин. Бундай уннинг нони сал қорароқ бўлсада, таъми ширин, киши организми учун фойдали элементлари сақланади.

Пахтани плёнка остига экиш русум бўлган йиллар дала атрофлари йиғиштириб олинган плёнкаларга тўлиб кетарди. Озод ака уларни қайта ишлаб полиэтилин қувурлар ясаладиган корхоналар учун хом ашё тайёрлашни йўлга қўйди.

–Бунинг йўли осон, – дейди тадбиркор. –Йиғиб келтирилган плёнкалар станокларда ун қилингач, сувга ботирилади, юзага чиққанлари қуёшга ёйиб қуритилади. Шу тахлит улар хом ашёга айланади. Бунинг учун халқ хўжалигидан чиққан полиэтилен чиқиндилар – плёнкалар, улардан ишланган идишлар, шунингдек, яроқсиз ҳолга келган пластмасса идишлар, минерал сув ва бошқа ичимликлар, суюқликлар солинган идишларнинг ғилофлари бўлса бас. Улардан мактаб парталари ва курси оёқлари тагига ўрнатмалар, КамАЗ машиналари учун сухариклар, комбайнлар путилкаси, культиваторларнинг минерал ўғит қуйиш мосламаларини ясаш мумкин.

Мазкур ускуналар ясаладиган станоклар ҳам Озод аканинг қўлидан чиққан. Маҳсулотларга талаб ва уларнинг харидоргирлиги билан қизиқдик.

–Культиватор мосламасидан 3 минг дона ишлаб чиқарган эдик, ҳозиргача 2 минг донадан кўпроғи сотилди. Асосий талабгорлар "Агромашсервис" идораси, қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар тарқатиш масъулияти чекланган жамиятлар, ММТП ва фермерлардир, – дейди Озод ака.

Станокларда ишлаётган Исломбек Ёқубов, Кўпалбой Авезов, Жасурбек Отажонов ҳар бир маҳсулотнинг сифатли бўлиши учун ҳаракат қилади. О.Сапоевнинг навбатдаги цехида бўлганимизда ҳайратимиз янада ортди. Уларнинг бирида маккажўхори дони сўтасидан ажратилса, иккинчисидан шу дондан уй ҳайвонлари учун омухта ем тайёрланмоқда, яна бир мосламада қуруқ сўтанинг ўзи ун қилиниб, емга айлантириляпти. Муҳими, қандай маҳсулот ишлаб чиқарилмасин, цехлардан атроф-муҳитга зарар етмайди, аксинча ён-атроф чиқиндилардан тоза бўлади. 2006 йилдан "Моҳир Салим Сервис" хусусий корхонаси мақомини олган бу кичик жамоада 10 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Пахта тозалаш цехини айтмайсизми? Тўғри, буни ҳар бир қишлоқда учратиш мумкин. Аммо улар ишлаётган пайтда хона ва унинг атрофини чанг тутиб кетади. Озод ака бунинг ҳам чорасини топган. Тракторларнинг эски парракларидан ясалган 2 та чанг сўрғич пахтадаги чангларни сўриб, иккинчи хонага ўтказади.

*Қишлоқ тадбиркорлари*



Муҳтарам Президентимиз яқинда вилоятимизда бўлганларида тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Мазкур жамоада бу борада ҳам анча ишлар қилинмоқда. Сутни қайта ишлаб, ундан қаймоқ олинмоқда, пишлоқ ва музқаймоқ тайёрланмоқда. Ҳозирда бу ерда кунига 100 литр сут қайта ишланаётган бўлса, қиш фаслида бу кўрсаткич 300 литрни ташкил қилади.

"Моҳир Салим Сервис" хусусий корхонасида барча ишлар қонун асосида олиб борилмоқда. Маҳсулотлари сертификатланган. Электр энергияси, газ, даромад солиғи каби тўловлар ўз вақтида тўлаб борилади. Ҳамқишлоқларига моддий ёрдам бериш, ҳомийлик дегандаридек... Хуллас, Озод ака Сапоев ишидан барча журёнликлар хурсанд, воҳа аҳли баҳраманд. Зеро, бугунги тадбиркор олдига қўйилаётган талаблар ҳам ана шулардан иборат.

**Холмурод ҚУРБОНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Хоразм вилояти*

---

ХИЗМАТ

## Эл соғлиғи – юрт бойлиги

**_Олот – Бухоро вилоятининг энг чекка туманларидан бири. Қўшни Туркманистон билан чегарадош ушбу туман аҳолисининг 70 фоизи қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилади._**

Барча жойда бўлганидек, бу ерда ҳам аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг соғлиғини доимий назорат қилиб бориш борасида эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Бу масъулиятли вазифа тумандаги мавжуд 25 та қишлоқ врачлик пунктларида меҳнат қилаётган 30 нафар малакали шифокор, 380 нафар ўрта ва 50 нафар кичик тиббий ходимлар зиммасида.

Мавжуд қишлоқ врачлик пунктларининг деярли барчаси замон талаблари даражасида янгидан қурилган ёки қайта жиҳозланиб, зарур тиббий ускуналар билан таъминланиш даражаси йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ўтган йили қишлоқ врачлик пунктларига 18 миллион 773 минг сўмлик, жорий йилнинг шу даврига эса 3 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар сотиб олиб берилганлиги юқоридаги фикрларимиз исботидир.

Бугунги кунда тумандаги барча қишлоқ врачлик пунктлари беморларга тўлиқ биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга. Шунингдек, бу масканларда ташкил этилган 50 ўринли кундузги шифохоналарда ҳам фуқаролар ўз соғлиқларини тиклашлари мумкин.

**Ҳамроз АЛИ**

*Бухоро вилояти*

---

# Мозий бугунга пайваста

**Ёшлар тарихни чуқур ўрганиш билан бирга замонавий мутахассисликларни эгалламоқдалар.**

**_Самарқанд иқтисодиёт коллежининг бир гуруҳ ўқувчилари қадимий Афросиёбга ташриф буюриб, археологларнинг янги топилмалари билан танишдилар. Коллеж қошидаги тарих фани бўйича ташкил этилган тўгарак фаолияти доирасида уюштирилган ушбу тадбир ёшларда катта таассурот қолдирди._**

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг 2750 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўрилаётган айни бир пайтда мозийга назар ташлаш бугунги авлодни ажодларимизнинг анъана ва қадриятлари руҳида тарбиялашда, талабаларнинг билим доирасини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Тарих фани тўгараги ҳақида фикр юритар эканмиз, коллежда бадиий ҳаваскорликка, спортга йўналтирилган бундай тадбирлар изчил йўлга қўйилганлигини таъкидлаш зарур. Зеро, волейбол, баскетбол, шахмат, шашка ва спортнинг бошқа турлари бўйича коллеж ёшлари турли

ИНТИЛИШ

турнирларда муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Булардан ташқари, ҳайдовчилик, тикувчилик курслари фаолияти йўлга қўйилганлиги йигит-қизларнинг ёндаш касб-ҳунарларни эгаллашларига ёрдам бераяпти.

Ёшлар "Ижтимоий ҳимоя йили" дастуридаги тадбирларда фаол қатнашмоқдалар. Чунончи, бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоларидан ташкил топган истеъдодли ёшлар ансамбли қариялар ва меҳрибонлик уйларида хайрия концертларини бериб, дилларни хушнуд этишди.

Йигит-қизлар божхона, солиқ, молия, менежмент, ҳуқуқшунослик, маркетинг, компьютер, банк ва бухгалтерия ишлари каби тўққизта замонавий ихтисосликларни эгалламоқдалар. Айни шу мутахассисликларга бугунги кунда талаб ғоят катта. Коллежда ҳар йили 1300 нафардан зиёд ёшларга олий тоифали педагоглар, фан номзодлари ва тажрибали муаллимлар фан асосларидан билим бериб, бугунги кун талабига жавоб берадиган мутахассис бўлиб чиқишларига интилмоқдалар.

**Ҳилола МУҚУМОВА**

*Самарқанд вилояти*

---

**_Ҳомийлик – халқимиз эзгу фазилатлардан бири. У яқин-яқинларгача фақатгина маънавий тушунча эди. Эндиликда эса у ҳуқуқий моҳият касб этди. Яқинда Ўзбекистон Республикасининг "Ҳомийлик тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди ва унинг ижроси таъминланмоқда. Демак, ҳомийлик маънавий-ҳуқуқий тушунчага айланди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳомийлик Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсатининг таркибий қисмига айландики, бу анча йиллар илгари айтилган "Маънавиятнинг биринчи ва бош ҳомийси давлатдир", деган ғоянинг изчил амалий ифодасидир._**

"Ҳомийлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни жамиятда ҳомийликни ҳуқуқий асосларда шакллантириш, ҳомийликка шарт-шароитлар яратиш, ҳомийларни муҳофаза этиш, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уни ривожлантириш учун имконият ва имтиёзлар яратишга қаратилган XXI аср маънавий тараққиётига мувофиқ ҳуқуқий ҳужжатдир.

# Энг олий қадрият

## У инсон қалби ва юрагидаги эзгу туйғуларнинг ифодасидир

Қонуннинг 4-моддасига биноан, мамлакатимизда ҳомийлик қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан, кам таъминланганларнинг моддий аҳволини яхшилаш, ўз жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли ўз ҳуқуқлари ҳамда Қонуний манфаатларини мустақил равишда амалга оширолмайдиган ишсизларни, ногиронларни ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш;

халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш, ижтимоий, миллий, этник, диний низоларнинг олдини олиш;

оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

ЭЗГУЛИК

таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасидаги фаолиятга, шунингдек шахснинг маънавий камол топишига кўмаклашиш;

касалликлар профилактикаси ва фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятга, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашиш, фуқароларга маънавий-руҳий ёрдам кўрсатиш;

жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга кўмаклашиш;

аҳолини табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга тайёрлаш;

террорчилик ҳаракатлари, табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш;

табиатни ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳомийлик бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қонуннинг 3-боб, 13-моддасига биноан, ҳомийлик субъектларига давлат томонидан қуйидагича кафолатлар берилади: "Ҳомийлик субъектларининг ҳуқуқлари ва Қонуний манфаатлари давлат томонидан кафолатланади. Ҳомийлик субъектларининг ўз ҳомийлик мақсадларини амалга ошириш шаклларини танлаш эркинлигини чеклашга йўл қўйилмайди". Бу кенг қамровли, эркин ҳомийлик ташаббускорлиги майдонга тушиши учун яратилган ижтимоий шароитдир.

Давлат ҳомийликни қуйидаги шаклларда қўллаб-қувватлайди:

ҳомийлик ташкилотлари ишлаб чиққан ва тавсия этган ҳомийлик дастурларини танлов асосида молиялаштиради. Яъни, давлат томонидан маъқул топилган ҳомийлик лойиҳаси маблағ билан таъминланади;

давлат мол-мулкини ҳомийлик ташкилотларига Қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бепул ёки имтиёзли асосда мулк қилиб беради;

давлат мол-мулки бўлган бинолар, жойлар ва бошқа мол-мулк ижараси ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар беради.

Бироқ, Қонун ҳар қандай ҳомийликни қўллаб-қувватлашга ҳам асос бермайди, ҳатто, айрим ҳолатларда уни тақиқлайди ҳам. Масалан, "Тижорат ташкилотларига, сиёсий партияларга ва ҳаракатларга пул маблағлари ҳамда бошқа моддий маблағлар бериш, ўзга шаклда ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларни қўллаб-қувватлаш ҳомийлик ҳисобланмайди".

Юртбошимизнинг ҳомийликка берган таърифлари орасида энг мумтози қуйидагичадир: "Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз". Дарвоқе, қалби ва юрагида энг эзгу туйғуларни мужассам эта олган киши юксак маънавий қиёфага эга бўлади. Шундай одамлар кўпайган жамиятда, шубҳасиз, муҳтожлик йўқолади, ҳомийликка эса эҳтиёж камаяди.

**С.СОБИРОВА, Тошкент Давлат юридик институти талабаси.**

---

## ● Божхона хабарлари

### Рангли металл ташмачилари

**_Давлат божхона қўмитаси ходимлари юртимиз сарҳадлари орқали қора ва рангли металл парчаларини ноқонуний равишда олиб чиқилишига қарши қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда._**

Яқинда шу каби ҳолатлардан бир нечтасини сирдарёлик божхоначилар аниқлашди. Республикамиз фуқароси Дилшод Аҳмедов бошқарувидаги "КамАЗ-5320" русумли юк автоуловини тўхтатиб, божхона назоратидан ўтказилганда, ушбу шахс қиймати қарийб 9 миллион сўмлик 14 тоннага яқин рангли металл парчаларини қайта пуллаш мақсадида Қозоғистон Республикасига ноқонуний равишда олиб чиқаётганлиги аниқланди.

Вилоят божхоначилари айланма йўллар бўйлаб ҳаракатланаётган Файзулла Сарибоев бошқарувидаги "КамАЗ-5320" русумли юк автоуловини тўхтатиб, текширувдан ўтказишганда ушбу шахс ҳам 8 тоннага яқин қора металл парчаларини қўшни давлатга ноқонуний равишда олиб чиқиб кетаётганлиги ошкор бўлди. Сирдарёлик божхоначилар яна бир ҳолатда Шерзод Турдиев бошқарувидаги юк автоуловини тўхтатиб текширишганда, ушбу кимса ҳам 8 тоннадан ортиқ қора металл парчаларини қўшни Қозоғистонга қайта пуллаш мақсадида олиб кетаётганлиги фош этилди.

### Ўзига панд берганлар

**_Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари "Истамбул-Тошкент" йўналиши бўйича юртимизга учиб келган фуқароларни божхона назоратидан ўтказиш чоғида Хосиятхон Холиқова ўзи билан вазни 550 гр. тилла буюмларини, яна бир ҳамюртимиз Шоҳиста Аслиддинова вазни 300 грамм заргарлик буюмларини республикамизга яширинча олиб кирмоқчи бўлганликлари аниқланди._**

"Боку–Тошкент" йўналиши бўйича учиб келган республикамиз фуқаролари Мамлакат Ахунова ва Гулнора Сиддиқованинг ҳам 400 грамм қимматбаҳо заргарлик буюмларини юртимизга ноқонуний равишда олиб киришларининг олди олинди.

### Тарихий китоблар юртимизда қолди

**_Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари юртимиздан хорижга чиқиб кетаётган фуқароларни божхона назоратидан ўтказиш чоғида фарғоналик Мўътабар Комиловани ўзи билан 13 дона қадимий китобларни четга яширин тарзда олиб чиқмоқчи бўлганлигини аниқлашди._**

Мазкур китоблар экспертизадан ўтказилганда, улар XVIII, XIX аср охирларида яратилган бўлиб, фалсафа, мантиқ, маданият ва тарих фанларига доир муҳим қўлёзмалар эканлиги аниқланди.

Божхона ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 26 та ҳолатда 324 дона тарихий аҳамиятга эга бўлган бойликларни юртимиз чегаралари орқали ноқонуний равишда олиб ўтилишининг олди олинди.

**Нурбек САЛОМОВ, ДБҚ Матбуот хизмати ходими.**

---

# Ҳақини талаб қилган ҳақдир

## ёхуд сотилган чипта қайтариб олинадими?

**_Чилонзор туманида яшовчи фуқаро М.Абдуллаева пойтахтимизда жойлашган "Давр-Тур" сайёҳлик фирмасидан "Тошкент-Урумчи-Тошкент" йўналиши бўйича учувчи авиарейсга чипта сотиб олади. Аммо у айрим сабабларга кўра ушбу рейс бўйича учолмай қолади ва фойдаланилмай қолган чиптани қайтариб бериш учун фирмага мурожаат қилади. Фирмадагилар эса М.Абдуллаеванинг бу мурожаатини беэътибор қолдиришади. Яъни, унга чипта учун сарфлаган пулини тўлашни пайсалга сола бошлашади._**

М.Абдуллаева "Давр-Тур"га яна бир неча бор келиб, унинг вакилларига вазиятни тушунтирди. Лекин ҳаракатлари натижасини тезда беравермади. Нима қилмоқ керак? Ахир бекордан-бекорга каттагина суммага тушиб қолавермайди-ку?!

Шунда у ўзининг истеъмолчилик ҳуқуқидан фойдаланишга қарор қилди ва сайёҳлик фирмасидан пулини ундириб беришни сўраб Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига ариза билан чиқди. Ниҳоят қўмитанинг аралашуви билан М.Абдуллаевага 376 минг сўм миқдоридаги маблағ фирмадан олиб берилди...

— Қўмитамиз ва унинг ҳудудий бўлимларига шу каби аризалар билан келувчилар бисёр, – дейди мазкур қўмитанинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилшод Азимов. – Бундай камчиликлар, айниқса, хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ ҳамда коммунал соҳаларида кўплаб учрайди.

—Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида қўмита ҳамда унинг жойлардаги органларига 1146 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Шундан истеъмолчилар ҳуқуқлари қўпол равишда бузилган 46 ҳолат чора кўриш учун тегишли идораларга жўнатилган. Шунингдек, таҳлиллардан кўринадики, арзларнинг 54 фоизи коммунал, 20 фоизи савдо, 8 фоизи транспорт хизматидаги, 18 фоизи эса бошқа соҳалардаги ғайриқонунийликлардан норози бўлиб ёзилмоқда.

Албатта, инсон саломатлиги ҳар нарсадан устун. Унга дахл қилиш ёки сифатсиз маҳсулотлар сотиш орқали зиён етказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Биз одатда дўкон ёки бозорга тушганимизда харид қилаётган маҳсулотимизнинг сифат сертификати сўрашга кўпам ҳафсала қилавермаймиз. Маҳсулотни арзонроқ сотиб олсак-да, бу ерни тезроқ тарк этсак, деймиз. Ваҳоланки, аксарият касалликларнинг манбаи айнан сотиб олган маҳсулотимизда бўлиши мумкин. Демак, бугунги кунда савдо шохобчаларида сифатига кафолат берилмаган, ўғринча тайёрланиб пулланаётган маҳсулотлар борлигини ҳам унутмаслигимиз даркор.

ҲУҚУҚ

Хусусан, Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида фаолият юритаётган 1-сонли дўконда 286 килограмм миқдоридаги сифат сертификатига эга бўлмаган ош тузи сотилаётганлиги аниқланган. Унинг истеъмолчилар учун қай даражада истеъмолбоплигини эса тасаввур қилиш қийин эмас. Шуниси аниқки, сотувга чиқарилишдан олдин тегишли идоралардан назоратдан ўтмаган маҳсулотни сотиб олиш ёки истеъмол қилиш фақатгина ўзимиз учун зарар.

Агар хасталансак, албатта, шифокор ҳузурига шошиламиз ва у қўйган ташхис, ёзиб берган дорилар рўйхатини олиб дорихоналарга борамиз. Бироқ шуниси таассуфлики, айни пайтда баъзи дорихоналарда сотилаётган дори-дармонлар сифатига ҳам кафолат бериши мушкул. Жумладан, қўмита ходимлари томонидан икки кунлик ўрганиш жараёнида 184 та дорихонанинг 91 тасида қалбаки, сифатсиз ҳамда мамлакатимиз ҳудудида тарқатилиши мумкин бўлмаган дорилар сотилаётганлиги аниқланди.

Масалан, Наманган шаҳридаги "Доктор Албум-Фарма" дорихонасида "Вольтарен", "Броментол", Ғазалкент шаҳридаги "Умида Севинч" дорихонасида "Бисептол 20", "Султон Сирожиддин" дорихонасида "Супрастин 20" сингари қалбаки дорилар мавжудлиги аниқланган.

Бундай мисолларни яна давом эттираверишимиз мумкин.

Бу каби ғайриқонунийликларни камайтириш, олдини олиш кўп жиҳатдан истеъмолчининг ўзига боғлиқ.

— Аҳолида истеъмолчилик ҳуқуқини шакллантириш, уларнинг бу борада билим ва савиясини кўтариш учун ҳам талайгина ишлар бажарилмоқда,– дея сўзида давом этади Д.Азимов. — Қўмита ҳамда Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси билан ҳамкорликда жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бормоқда. Мисол учун ўтган йили "Истеъмолчи кутубхонаси" рукни остида "Почта алоқасидан оқилона фойдаланинг", "Тиббий хизмат ва мижоз ҳуқуқи" номли брошюралар чоп этилиб, тарқатилди. Бундан ташқари, федерация томонидан бир неча йиллардан буён республика академик лицей ўқувчилари ўртасида "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи", мактаб ўқувчилари орасида эса "Энг зукко ёш истеъмолчи" танловларини ташкиллаштириб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқлари ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун орқали муҳофазаланади ва унга риоя қилинмаган ҳар қандай ҳолатга қонуний чоралар кўрилади. Буни ҳар биримиз билишимиз, қонуний ҳақимизни талаб қилишни ўрганишимиз зарур.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Ўз гапингизга кирасизми?..

## ёки юртни севиш туйғуси ҳақида мулоҳаза

***Ривоят қилишларича, бир кишининг фарзанди ширинликка жуда ўч экан. Кўп қанд еб қўйганидан иштаҳаси бўлмас, бошқа овқат тановул қилишни хушламас экан. Бу нарса унинг саломатлигига таъсир этибди, озиб-тўзиб ҳолсизланиб қолибди. Табибларга кўрсатишу муолажалардан наф чиқмабди. Яқинларидан бири қўшни қишлоқда бир донишманд оқсоқол борлиги, болани шу кишига кўрсатишни маслаҳат берибди.***




У одам фарзандини олиб айтилган манзилга борибди. Оқсоқол уларни очиқ чеҳра билан кутиб олибди. Мақсадларини билгач, бир зум ўйга толибди ва бир ҳафтадан кейин келишларини сўрабди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, ота-бола яна ўша хонадонга келганларида отахон аввалги жойида ўтирар эди. Меҳмонларнинг саломига алик олгач, болакайни ёнига чорлабди ва бошини силаб:

— Болам, қандни кўп еб қўймагин, ёқмайди, — дебди ва отасига юзланиб:

— Бўлди, бораверинглар, — деб қўшиб қўйибди.

Ота бир оз ҳайрон бўлиб уйга қайтибди. Лекин, тез орада болада жиддий ўзгариш бошланибди. Энди у ширинликка ружу қўймас, бошқалар қатори овқатланар ва энг муҳими ранги-рўйи ҳам ўнглана бошлабди. Отаси бениҳоя хурсанд эса-да, бир оғизгина гап экан-ку, нега оқсоқол шу гапини биринчи борганимизда айта олмади? Бунинг сири нимада экан, деб ўйланарди. У яна оқсоқолнинг ҳузурига келибди, юзидан нур ёғилиб турган донишманд чолга таъзим қилиб миннатдорчилик изҳор қилибди. Сўнгра минг истиҳола билан саволини берибди. Нуроний чеҳраси ёришиб шундай жавоб қилибди:

— Сиз дастлаб фарзандингизни олиб келганингизда мен қанд еб ўтирган эдим. Бу ҳолда менинг бировга қанднинг зарари ҳақида гапиришим ҳеч қандай наф бермас эди. Шундан кейин мен ўзим қанд ейишдан тийилдим ва фақат шунинг учунгина фарзандингизга айтилган гапим ўз таъсирини кўрсатди.

Дўппини олиб қўйиб ўйлаб кўришга арзигулик гап. Бугунги кунда ёшларга қилаётган кўп панду насиҳатларимиз ҳамма вақт ҳам кутилган самарани бермаётганлигининг сабабини ўзимиздан ахтаришимиз керак эмасмикин, деймиз беихтиёр. Масалан, ўзимиз ўқимасагу кўп ўқиш ҳақида сўзлашимиздан не наф? Таъмагирлик дардига мубтало бўлган устознинг ҳалоллик, адолат, маънавият ҳақидаги маърузасини шогирдлар қандай қабул қилади? Боламиз гапига кириши учун ўз гапимизга ўзимиз кирамизми?

Руҳшуносларнинг таъкидлашларича, пора олган одам уни берган кишининг кўзига умуман қарай олмас эмиш.

Оз бўлса-да, учраб турадиган бундай иллатлар халқимизда азалдан ҳурмат-эътибор билан тилга олиниб келган устозлар сиймосини андак нурсизлантириб қўйишини унутмаслигимиз лозим.

"Ўлик сўз жонли жавобни уйғота олмайди", дейди замонамизнинг буюк адиби Чингиз Айтматов. Инсон қалби ва онги учун кураш авж олган ҳозирги мураккаб даврда бошқа одамнинг қулфи дилини очиб кўнглига йўл топиш учун эса аввало ўзимизнинг кўнглимиз очиқ бўлиши керак. Суҳбатдошимизнинг орзу-умидлари, муаммолари, қайғу-ҳасратларини

### Ибрат

юзаки эмас, чин дилдан ҳис этмоғимиз лозим. Чинакам самимий суҳбатлар эса ўзга дилларга ўзимизда бор бўлган эзгу ҳисларни олиб кирмоққа имкон беради. Носамимий, амалий тасдиғига эга бўлмаган қуруқ гап эса сўзнинг ҳам, сўз айтувчисининг ҳам қадрини туширади.

Ўзимизга савол бериб кўрайлик. Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш борасидаги чиройли сўзларимизга ҳар биримиз бу борадаги кўп ва хўб амалий ишларимиз билан қанот бағишлай олаяпмизми? Бу саволга ёки шоирнинг "Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?" деган мурожаатига адолат билан жавоб излайдиган бўлсак, бу борада қилганларимиздан кўра энди амалга оширишимиз лозим бўлган ишларимиз кўпроқ экани аён бўлади. Зеро Она олдидаги қарзни узиб адо қилиб бўлмаганидек Она-Ватан олдида ҳам ҳамиша бурчли бўлиб қолаверамиз.

Барча замон ва барча маконларда ҳам Ватанга хиёнат қилиш энг оғир, кечирилмас гунох ҳисобланган. Андижонда юз берган ўша машъум воқеаларда билиб-билмай ана шундай оғир гуноҳ ишга аралашган-адашганларнинг айримлари сизу бизнинг атрофимизда юрган ёшлар эди. Уларнинг шу ҳолга тушиб қолишларига атрофидаги кишиларнинг, жамоатчиликнинг бепарволиги, лоқайдлиги ҳам сабаб эканлигини инкор этиб бўлмайди. Бу каби мудҳиш фожиаларнинг олдини олиш учун ёшлар қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш ҳамда уларни маънавий баркамоллик сари йўналтиришга доимий эътибор берилмоқда. Бу жараёнда ҳам жонли ва таъсирчан сўз асосий восита бўлади.

Дунёқараши энди шаклланаётган ёшларда Ватанга садоқат туйғуларининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва камол топишида яхши сўз билан бирга яхши амалнинг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам ёшларимиз устоз-мураббийлари, ака-опалари тимсолида Ватан учун, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун нимадир қилаётганимизни кўриб туришсин. Ватаннинг корига яраш ва унинг равнақи учун ҳар биримиз имкониятларимиз даражасида нималар қилишга интилаётганимизни билишсин. Шу азиз Ватаннинг, шу муқаддас заминнинг фарзанди эканлигимиздан, унинг тобора гуллаб-яшнаётгани, халқаро ҳамжамиятда нуфузи ортиб бораётганидан фахрланаётганлигимизни ҳис қилиб туришсин. Ана шундай ибрат намунаси ёшларимизга ватанпарварлик ҳақида соатлаб ўқилган маърузадан кўра самаралироқ таъсир этишига шубҳа йўқ.

Сўзларимиз бошқаларга ўзимиз кутгандек таъсир кўрсатиши амалий ишларимиз ҳам унга мос келиши туфайлидир. Гоҳ-гоҳ тошойнадаги суратимизга қараб, у ёки бу ёғимизни ўнглаганимиз сингари вақти-вақти билан сийратимизга ҳам назар солиб, ўзимизни виждонимиз олдида имтиҳон қилиб турайлик. Эл олдида сўз айтмоқ масъулиятини зиммаларига олаётган раҳбарлар, мураббийлар, олимлар, ижодкор зиёлилар эса буюк бобокалонимиз ҳазрат Навоийнинг "Улки, буюриб ўзи қилмағай ва ҳеч кимга асар онинг сўзи қилмағай", деган пурмаъно ҳикматларини ҳар он ёдда тутсалар, деймиз.

Шу азиз Ватанни, унинг мустақиллигини ёмон кўзлардан ва ёмон сўзлардан асраш, муносиб ворисларни тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас фуқаролик бурчимиздир.

**Ҳабиб СИДДИҚ,**
**Андижон қишлоқ хўжалик институти "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари.**

# Қишлоқдан чемпионлар чиқади

**Шахмат бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда уч марта Ўзбекистон чемпиони бўлган Сарвиноз Қурбонбоева Боёвут тумани Носир Маҳмудов фермерлар ҳудудий уюшмасида яшайди.**



***Сарвиноз 9-умумтаълим мактабининг 7-синфига ўтди. Ёш бўлса-да, истеъдодини намойиш этган бу қизалоқ 2004 йилда Грецияда, 2005 йилда Францияда ўтказилган ёшлар чемпионатларида совринли ўринларни эгаллади.***

Бундай ёшлар вилоятда талайгина. Мисол учун, универсал жанг бўйича Россиянинг Лудить шаҳрида 10-13 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтган жаҳон биринчилигида Адҳам Маматқулов 3-ўрин соҳиби бўлди. Қўл тўпи бўйича Қозоғистоннинг Кустанай шаҳрида 1993-1994 йилларда туғилган қизлар ўртасида ўтган халқаро мусобақада вилоят жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

–Жисмонан соғлом, бақувват авлодни вояга етказишга ҳукуматимиз, мамлакатимиз раҳбари катта эътибор қаратаяпти. Бизнинг асосий вазифамиз давлатимизнинг спорт соҳасидаги сиёсатини юргизиш, жойларда татбиқ этиш, қишлоқ жойларида спорт иншоотларини қуриш, жиҳозлар билан таъминлаш, 6-16 ёшгача бўлган болаларни спортга жалб этишдан иборатдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими раҳбари Норбобо Соатов. – Вилоятимизда 143 минг нафар ўқувчи бор. Биз ана шуларга спорт билан шуғулланиш учун имкон қадар шароит яратиб беришимиз лозим.

Бунинг учун вилоятдаги барча қишлоқларда спорт объектларини таҳлил қилиб чиқиб, дастур тузганмиз. Бу дастурда мавжуд бўлган спорт майдонлари, қурилаётган ва 2008 йилда қурилиши режалаштирилган қишлоқлар кўрсатилган. Мисол учун, ўтган йиллар давомида 67 та спорт майдончалари барпо этилган. Агар 2006 йилда 8 та тумандаги мактабларда қўшимча спорт заллари қуриш ишларига 674,6 миллион сўм сарфланган бўлса, жорий йилда Гулистон шаҳар спорт мажмуасини қуриш, шаҳардаги марказий ўйингоҳ, бокс саройини реконструкция қилишга 1853,9 миллион, туманлардаги 6 мактаб спорт заллари қурилишига 700,4 миллион сўм ажратилган. Вилоятда спорт майдончалари мавжуд бўлмаган қишлоқлар ва уларда майдончаларни барпо этиш дастури тузилган бўлиб, бу ерда қуриладиган спорт иншоотларини йилма-йил 2010 йилгача режалаштириб чиқилган.

Бугунги кунда энг долзарб масала замонавий спорт иншоотларидан ёшларимиз қандай фойдаланишларига боғлиқ. Модомики, бу иншоотлар ёшлар учун қурилган экан, уларнинг тўла қувват билан ишлашларини таъминлашимиз лозим бўлади.

2009 йилда "Умид ниҳоллари" республика мусобақаси Сирдарё вилоятида ўтказилиши барча сирдарёликлар зиммасига катта масъулият юклаяпти. Шу кунларда тайёргарлик қизғин давом этаяпти. Бу мусобақаларда республикамиздан 3,5 мингдан ортиқ спортчи қатнашиши кутилмоқда.

Бу йил биз 1800 нафар кам таъминланган оилаларнинг спорт билан шуғулланувчи болалари учун 40 миллион сўмлик спорт кийимлари олиб бердик. Дам олиш оромгоҳларига 4644290 сўмлик спорт жиҳозлари етказилди.

Дарҳақиқат, Сирдарёда болалар спортини ривожлантириш, ёшларимизни жисмонан чиниқтиришга катта эътибор қаратилоқда.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Сирдарё вилояти*

### Ўқинг, қизиқ!

# Сичқон ниқобдан қўрқмади



Ерда яшаб ўтган энг катта динозавр – сейсмозаврдир. Бу махлуқнинг узунлиги 40 метрга етган. У бошини чўзса, бемалол беш қаватли уйнинг томига етарди. Полеонтологлар унга "сейсмозавр" (ерни қимирлатувчи калтакесак) деб ном берганлари бежиз эмас. Оғирлиги 80 тонна келувчи бу махлуқ ҳар қадам босганида ер титраб кетарди.

* * *



Рим гладиаторлари ҳақида кўплаб уйдирмалар мавжуд. Аслида эса гладиаторлар ҳам худди ҳозирги спортчилар сингари яшашган. Улар махсус казармаларда истиқомат қилишган, жисмоний машқлар билан шуғулланишган ва қатъий парҳез тутишган. Аммо жанг олдидан истаган ишларини бажаришган. Шу жумладан, аёллар даврасида бўлишларига ҳам рухсат берилган. Кўпгина гладиаторлар машҳур жанобларнинг хос соқчиси сифатида ёлланиб ишлашган. Ҳалок бўлган гладиаторлар учун тантанали дафн маросимлари ўтказилган. Шаҳарликлар уларнинг тўкилган қонини муқаддас ҳисоблаб, идишга йиғиб олишган.

* * *

Суданлик деҳқонлар йиғилган ҳосил сақланадиган махсус омборларга қўрқинчли ниқобларни осиб қўйишади. Деҳқонларнинг фикрича, даҳшатли ниқобни кўрган сичқон ва каламушларнинг қўрқувдан юраги ёрилиб ўлиши керак эди. Бу чора ҳеч қандай самара бермаган бўлса-да, аммо анъана сифатида неча асрлардан бери сақланиб қолмоқда.

* * *



Буркино-Фасо давлатининг Себу қишлоғи атрофида маҳаллий болакайлар тимсоҳ думидан бемалол тортиб ўйнашади. Аёллар эса тимсоҳлар ётган жойда кир чайиб, идиш-товоқ юваверади. Гап шундаки, тимсоҳлар у ерда муқаддас ҳайвон ҳисобланади. Уларни товуқ гўшти билан сийлашади. Натижада, бу жониворлар семириб кетиб, юришга ҳам мадори қолмайди.

**Шерзод УСМОНХЎЖАЕВ тайёрлади.**




### ФУТБОЛ

## Асрор Алиқулов ўрнига Анвар Ғофуров



***"www.uzfootball.com" сайтининг хабар беришича, ҳимоячи Асрор Алиқулов "Осиё Кубоги – 2007" баҳсларида миллий терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилолмайди. Унинг ўрнига "Машъал" ҳимоячиси Анвар Ғофуров ҳаракат қилади.***

Асрор терма жамоамиз Жанубий Кореяда ўқув-йиғин машғулотлар ўтказаётган вақтда сафдан чиқди. Аниқроғи, у Ироққа қарши ўртоқлик ўйини вақтида бошидан жароҳат олган.

***

Кеча Ўзбекистон терма жамоаси Жанубий Корея термасига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказиб, 2:1 ҳисобида имкониятни бой берди. Терма жамоамизнинг ягона голини Сервер Жепаров пинальтидан киритди.

### Қишки Олимпиада

## 2014 йилги Қишки Олимпиада Сочида ўтади

***Кўплаб тортишувлардан сўнг Россиянинг Сочи шаҳри 2014 йил бўлиб ўтадиган Қишки Олимпиада ўйинларига мезбонлик қиладиган бўлди.***

SOCHI 2014

Мусобақани ўзида ўтказиш учун Сочига Жанубий Кореянинг Пхенчхан ва Австриянинг Зальцбург шаҳарлари рақиблик қилди.

Овоз беришнинг сўнгги босқичида Сочи 51 ва Пхенчхан 47 овозга эга бўлди. Зальцбург эса иккинчи босқичданоқ "пойгадан" чиқиб кетди. Шу ўринда эслатиб ўтамиз, Россия биринчи бор Қишки Олимпиада баҳсларига мезбонлик қилиш ҳуқуқига эга бўлди. 1980 йилда Москвада Ёзги Олимпиада ўйинлари ташкил этилганди.

### БОКС

***Бутундунё бокс ташкилоти (WBO) янги рейтинг рўйхатини эълон қилди. Аҳамиятлиси, унда икки нафар ҳамюртимиз ҳам кучли ўнликдан жой олган. Боксчиларимиздан Қаҳрамон Орзуқулов WBO рейтингида бешинчи поғонани банд этган.***

## Ҳамюртларимиз кучли ўнликдан жой олишган

52 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги жангларда иштирок этаётган Қаҳрамон айни пайтда Халқаро бокс ассоциацияси (IBA) ва "Inter-Continental" йўналишлари чемпионлик камарлари соҳиби ҳисобланади. 27 ёшли спортчимиз ҳозиргача профессионал боксда 16 та "жанг" ўтказган.

69,8 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилиб келаётган яна бир чарм қўлқоп устамиз Қувончбек Тойганбоев эса кучлилар рўйхатидан олтинчи бўлиб жой олган. Қувончбек мана, 10 йилдирки, профессионал боксда ўз омадини синаб кўрмоқда. Фаолияти давомида 32 "жанг" ўтказган ватандошимиз 28 бор ғалаба нашидасини сурган ва WBOнинг "Asia Pacific" чемпионлик камарини ўзида сақлаб турибди.

Мутахассисларнинг фикрича, Қувончбек яна бир нечта рейтинг жангларини муваффақиятли ўтказса, ўз вазн тоифасида чемпионлик камарига асосий даъвогар сифатида қайд этилади.

### КУРАШ

## Полвонлар Истамбулда бел олишди

***Миллий қадриятларимиз, миллатимизга хос тантилик ва мардлик каби хислатларни ўзида жо этган ўзбек кураши ҳақида бугунги кунга келиб дунёнинг энг чекка-чекка нуқталарида ҳам тасаввурлар пайдо бўлди.***

Деярли ҳар ойда кураш бўйича катта-кичик мусобақалар турли давлат, турли шаҳарларда ўтказилмоқда ва уларда соф ўзбекча сўзлар янграмоқда. Бундан ўзини шу миллат вакилиман, деган ҳар бир инсон фахр туйғуларини туймоқда.



Ана шундай мусобақанинг навбатдагиси Туркиянинг Истамбул шаҳрида ташкил этилди ва унда 20 давлатдан келган полвонлар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Шубҳасиз, бундай мусобақаларда кураш юрти вакиллари ҳар доим ғолиблик учун асосий даъвогарлардан ҳисобланиб келинган. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Ҳамюртларимиздан Бобир Қувватов ва Равшан Маҳмудов барча рақиблари устидан соф ғалабага эришиб, ўз вазн тоифаларида олтин медалларга эгалик қилишди. Ўткир Эгамов ва Жаҳонгир Усмонов бронза медаллари билан тақдирланишди. Шу тариқа V Босфор Халқаро турнирида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

**Фазлиддин АБИЛОВ**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси "Қишлоқ ҳаёти" газетаси Бош муҳаррири ўринбосари Ҳабиб Темировга падари бузруквори
**НЕЪМАТИЛЛО ОТАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

По решению Общего Собрания Акционеров (протокол №6 от 29.06.2007 г.) ОАО "Электркимёсаноат" преобразовано в ОАО "Максам-Чирчик", которое является правопреемником по всем обязательствам ОАО "Электркимёсаноат". Юридический адрес ОАО "Максам-Чирчик": 111708, Ташкентская обл., г.Чирчик, ул.Ташкентская, 2.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 7 мартдаги 10-0712/1326-сонли қарорига асосан "O`zgarishagrota'minot" ОАЖ акциядорларининг 2004 йил 26 апрелдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қарорлари ҳақиқий эмас деб топилганлиги сабабли, Давлат мулк қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2007 йил 3 июлдаги 193-Д-сонли буйруғи билан "O`zgarishagrota'minot" ОАЖ негизида "O`zgarishagromashservis" МЧЖни таъсис этиш бўйича 2004 йил 28 апрелда чиқарилган 167-Д-сонли буйруқ бекор қилинган.

ООО "DADIL AVTO" Уч-тепинского района г.Ташкента (ИНН 300371084, ОКНХ 71150) сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в ЧП "DADIL AVTO". Претензии принимаются по тел.: 247-72-99.

Утерянное свидетельство №000248 от 17 августа 2004 года ООО "Узгаришагромашсервис" МТП, считать недействительным.

Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокимлиги томонидан 1999 йил 5 январда №2 қайд этиш рақами билан корхона – "AGRO-YUK" МЧЖ рўйхатга олинганлиги ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.




Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ўктам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Фахриддин КАЛОНОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона -136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-09-93.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-64-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
Ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-617, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.45
Адади - 13752

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

23456